

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«Муҳандис – техника» факультети

**«Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш»
кафедраси**

**«Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш»
йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Қашқадарё вилоятидаги хўжалик ички ирригация тармоқларини
эксплуатация қилишдаги муаммолар ва ечимлар**

Раҳбар:

Хазратов А.Н.

Бажарди :

Элчиева С.Ж.

«Химояга рухсат этилди»

**«Химоя учун ДАКга
юборилди»**

Кафедра мудири _____

Факультет декани,

т.ф.н.,доц. Эшев С. С.

т.ф.н.доц. Алиқулов М.Н

« _____ » _____ 2016 й.

« _____ » _____ 2016 й.

Қарши - 2016 йил

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Гидротехника иншоотлари ва насос станциялардан
фойдаланиш» кафедраси мудири

доц. Эшев С.С

« ____ » _____ 2016 й.

Битирув малакавий иши учун ТОПШИРИҚ

Талабанинг исми шарифи Элчиева Садоқат Жуманазаровна

БМИ мавзуси: Қашқадарё вилоятидаги хўжалик ички ирригация тармоқларини
эксплуатация қилишдаги муаммолар ва ечимлар

«25» 01. 2016 йил институтнинг № 23/Т буйруғи билан тасдиқланган

2. Тайёрланган битирув малакавий ишини топшириш муддати «20» 06. 2016 й.

3. БМИ учун берилган маълумотлар

Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари

4. Ҳисобий-тушунтириш баёнининг мазмуни Кириш. Умумий қисм. Техник –
эксплуатация қисми. Гидротехника иншоотларни таъмирлаш-қайта тиклашда меҳнат
муҳофазаси. Гидротехника иншоотларидан фойдаланишда атроф-муҳит муҳофазаси.
Хулосалар ва тавсиялар. Адабиётлар.

Кўргазмали чизма материалларининг номлари (чизма номлари аниқ кўрсатилган) 1.
Қашқадарё вилоятида хўжалик ички суғориш тармоқларини эксплуатация қилиш
структураси 2. 2012-2015-йилларда Қашқадарё вилоятидаги Сув истеъмолчилари
уюшмалари фаолияти диаграммаси 3. Миришкор туманидаги Автономов СИУсининг 2015
йил учун харажатлар режаси диаграммаси 4. Гидротехник иншоот техник ҳолатини
назорат қилиш (кузатиш) схемаси 5. Мустаҳкамланган ўзан конструкцияси ва $Q=f(h)$
боғлиқлик графиги

6. БМИ қисмлари бўйича маслаҳат берувчилар:

Қисм	Маслаҳатчи	Имзо	Сана
Меҳнат муҳофазаси	Хазратов А.Н.		
Атроф-муҳит муҳофазаси	Хазратов А.Н.		

7. Малакавий ишни бажарилиши бўйича календар графиги

Хафта сони	Битирув малакавий ишининг бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарилган лиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
1.	Кириш ва умумий қисм	10-15	10		
2.	Техник қисм - эксплуатация қисм (5 та чизма)	45-55	80		
3.	<u>Гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва қайта тиклашда меҳнат муҳофазаси.</u>	7-10	3		
4.	<u>Гидротехника иншоотларидан фойдаланишда атроф-муҳит муҳофазаси</u>	7-10	3		
5.	БМИни расмийлашти-риш ва ҳимоя қилиш		4		

Малакавий иш раҳбари _____ Ҳазратов А.Н.

Топшириқни олган кун _____

Талаба _____ Элчиева С.Ж.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтилганидек жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Албатта мамлакатимизда эришилаётган ушбу ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Мамлакат ҳукумати томонидан сув хўжалиги иншоотларини ишлатиш ва замонавийлаштиришга давлат бюджетидан жуда катта маблағ ажратилмоқда. Республикада ҳар йили 5,0 минг км магистрал каналлар, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 16, 0 минг км суғориш ва нов тармоқлари, 10 мингга яқин гидротехник иншоотлар ва гидростанциялар тозаланади ва таъмирланади. Сўнгги йилларда 1,5 минг км канал, 400 та йирик гидротехник иншоот, 200 та насос станцияси, 386,0 минг га суғориладиган ерлар реконструкция қилинди ҳамда каналлар ва гидротехник иншоотларнинг техник ҳолати яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли Фармонида кўра суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ташкил этилди, 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури қабул қилинди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси маблағлари доирасида 2008-2012 йилларда коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларига жами 750 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига коллектор-дренаж тармоқлари, мелиоратив насос станциялари, вертикал дренаж қудуқларини таъмирлаш-тиклаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бажарилди. Бажарилган ишлар натижасида республика бўйича 1 млн. 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жумладан, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайтирилди, 118 минг гектар майдонда ер ости сизот сувларини мақбул сатҳларга туширилишига эришилди. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда ўртача ҳосилдорлик пахтадан 3-4, ғалладан 4-5 центнергача кўпайиши кузатилди.

Сув ресурсларига талаб йилдан йилга ошиб бораётган ҳозирги пайтда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, мамлакатимиздаги мавжуд сув хўжалиги тизимини тизимли таъмирлаш-тиклаш, реконструкция қилиш, янги ирригация ва мелиорация объектларини қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги 817-сонли ва 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тугрисида”ги 1958-сонли қарорлари асосида миллиардлаб сўм маблағлар ажратилиб, таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан сув хўжалиги соҳасига катта эътибор берилиб, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш тиклаш ҳамда реконструкция қилиш ва янгидан қуриш ишларига ҳамда суғориш сувини бепул хўжалик чегарасига етказиб бериш учун миллиардлаб сўм маблағлар сарфланаётганлигига қарамасдан, сув хўжалигининг энг муҳим қуйи бўғини бўлган Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари томонидан хўжалик ички ирригация тармоқларини эксплуатация қилиш даражаси қониқарсиз эканлиги оқибатида хўжалик ички тармоқларининг техник ҳолати талаб даражасида эмаслиги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар йўлига ғов бўлиб қолмоқда.

Айниқса, республикада йилдан йилга ошиб бораётган сув танқислигини эътиборга олганда, сув ресурсларидан самарали фойдаланишда хўжалик ички ирригация тармоқларининг техник ишончлилигини ошириш ва уларни эксплуатация қилиш самадорлигини ошириш долзарб муаммолардан бири эканлиги ойдинлашади.

Шуларни инобатга олган ҳолда ушбу битирув малакавий ишига “Қашқадарё вилоятидаги хўжалик ички ирригация тармоқларини эксплуатация қилишдаги муаммолар ва ечимлар” мавзусини танлаб олинди.

Ишнинг мақсади: Қашқадарё вилоятидаги хўжалик ички ирригация тармоқларини эксплуатация қилиш ҳолати тўғрисидаги маълумотларини ўрганиб чиқиш ва уни таҳлил қилиш орқали уларнинг техник ҳолатига баҳо беришдан иборат.

Ишнинг вазифаси: Хўжалик ички ирригация тармоқларини эксплуатация қилиш ҳолатига берилган баҳо асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ирригация тармоқларининг эксплуатациясини яхшилаш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш..

1. УМУМИЙ ҚИСМ

1.1. Қашқадарё вилоятининг табиий-иқлимий шароити

Қашқадарё вилояти Республикамизнинг жанубий – шарқий қисмида жойлашган. Майдони 28,4 минг км². Аҳолиси 1917,9 минг киши. Қашқадарё вилоятида 14 туман, 12 шаҳар, 4 та шаҳарча 142 қишлоқлар мавжуд.

Вилоят ҳудуди асосан Қашқадарё ботиғини ўз ичига олган бўлиб, шимолда, шарқ ва жанубий-шарқда Зарафшон ҳамда Ҳисор тоғ тизимлари билан ўралган. Адирлар тоғларни текисликлар билан туташтириб турилади. Иқлими кескин континентал. Қиши нисбатан юмшоқ, йиллик ёғинларнинг асосий қисми қишда ва баҳорда тушади. Ёзи узоқ (155-160 кун) иссиқ, қуруқ. Январ ойининг ўртача ҳарорати текисликларда 0-2⁰С дан 1-9⁰С гача, июл ойида эса 28-29,5⁰С. Йилига текисликларга 290-380 мм ёғин тушади.

Баҳорда ва кузда қора совуқлар кузатилади, ёзда гармсел эсади. Тоғларда турғун қор қатлами ҳосил бўлади (2-6 ой), вегетация даври текисликларда 290-300 кунгача давом этади.

Асосий дарёси Қашқадарё бўлиб, унинг ирмоқлари Жиннидарё, Оқсув, Яккабоғдарё, Ғузордарё. Дарёлар қор, ёмғир ва музлик сувидан туйинади. Дарёларнинг сувлари асосан суғоришда фойдаланилади. Чимқўрғон, Қамаш, Пачкамар сув омборлари Қарши чўлининг сув билан таъминлангани учун 6 та кўтарма насос станцияси, очиқ ва ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари барпо этилган. Суғориладиган ерларнинг асосий қисмини типик бўз тупроқлар ташкил этади.

Қашқадарё вилояти қишлоқ хужалиғи Республиканинг етиштириладиган ялпи қишлоқ хужалик маҳсулотларининг 10,2% шу жумладан пахтанинг 10,6% пилланинг 7% ғалланинг 11,1% ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи деҳқончилик бўлиб, қишлоқ хўжалигидан олинаётган ялпи маҳсулот 69% ни ташкил этади. Қишлоқ хужалик маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида Қарши чўлида 250 минг гектар ерлар ўзлаштирилган.

Деҳқончиликнинг асосий тармоқлари пахтачилик, тоқчилик, полизчилик ва сабзавотчиликдан иборат. Вилоятда суғориладиган ерларни ривожлантириш мақсадида суғориш каналлари ва сув омборлари барпо қилинган. Машина каналлари орқали суғоришни ташкил этиш учун 6-та насос станциялари ишлаб турибди.

«Аму-Қашқадарё» сув хавзаси Қашқадарё вилоятида жойлашган бўлиб, 28,6 минг км² майдонни ўз ичига олади. Ҳавзанинг ғарбий қисмини Сундукли кумликлари, дашт-кенгликлар эгаллаган. Шарқий қисмида тоғ тоғ олди майдонлари жойлашган. Ҳавзанинг шимолий шарқий қисми Зарафшон

чўққилари билан чегараланган. Шарқ ва жанубий шарқда Ҳисор тоғ тизмаларининг давоми Бойсунтоғ ва Кўхитонг тоғлари жойлашган. Қашқадарё дарёси катта тоғ тизмаларининг сув йиғичлари бўлиб хизмат қилади. Паст текисликли кенгликларда ҳавзанинг ярим майдонини уч физик-географик ҳудудга бўлинади: яъни Қарши чўли, Сундукли қумлиги, Китоб Шахрисабз пастлиги ва Ғузор-Қарши воҳаси туманлари.

Қашқадарё вилоятининг иқлими, Ғарб ва Шимолий Ғарб томондан ҳудуд совуқ ҳаво массаси учун очиқ. Паст текислик қисмида ўртача йиллик ҳарорат $+15^{\circ}\text{C}$ дан -17°C гача ўзгариб туради. Рельефи баландлашган сари ҳарорат камайиб боради. 1000 м баландликда 13°C гача, 2000 м баландликда $9-10^{\circ}\text{C}$ гача пасаяди.

1.2.Қашқадарё вилоятидаги мавжуд хўжалик ички суғориш тармоқлари, уларнинг техник ҳолати

Қашқадарё вилоятида жами 20449,5 км хўжалик ички суғориш тармоқлари мавжуд бўлиб, шундан 11143,4 км қисми ер ўзанли, 864,0 км ёпиқ тармоқ, 2205,7 км қисми бетон қопламали каналлар, 6236,4 км лоток тармоқларидан иборат. Шулардан жами 3131,9 км хўжалик ички суғориш тармоқлари, шу жумладан 321,5 км ёпиқ тармоқ, 663,3 км лоток тармоқлари, 557,4 км бетон қопламали каналлар техник ҳолати реконструкция қилишни талаб қилади.

Вилоят бўйича жами 28514 дона хўжалик ички суғориш тармоқларидаги гидротехник иншоотлар мавжуд бўлиб, шулардан 1197 дона сув олувчи, 507 дона тўсувчи, 6986 дона сув чиқарувчи, 15131 дона сув ўлчовчи (гидропостлар), 646 дона акведуклар, 1082 дона дюкерлар, 1956 дона қувурли ўтиш жойлари, 988 дона кўприклар, 18 дона шаршара иншоотлардир. Шулардан жами 7237 дона гидротехник иншоотлар, шу жумладан 291 дона сув олувчи, 175 дона тўсувчи, 910 дона сув чиқарувчи, 4991 дона сув ўлчовчи (гидропостлар), 110 дона акведуклар, 92 дона дюкерлар, 473 дона қувурли ўтиш жойлари, 187 дона кўприклар техник ҳолати реконструкция қилишни талаб қилади.

Шунингдек, фермер хўжаликларига қарашли 11069 дона фермерлар сув олиш жойлари мавжуд бўлиб, улардан 2252 дона сувни бошқариш, ўлчаш воситалари билан жиҳозлашни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тугрисида”ги 1958-сонли қарори асосида Қашқадарё вилояти ҳокимининг

2013 йил 11 майдаги Х-155/05-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, Давлат дастурига кўра вилоятдаги сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари маблағлари ҳисобидан 2013-2017-йилларда 5 йил мобайнида жами 71516 км хўжалик ички суғориш тармоқлари, шундан 44917 км ер ўзанли, 7109 км бетон қопламали каналлар, 19490 км лоток тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишлари режалаштирилган. Шунингдек 43337 дона гидротехник иншоотлар, шундан 2132 дона дюкер, 2373 дона акведук, 21688 дона гидropост, 5224 дона қувурли ўтиш иншоотлари ва 11919 дона бошқа гидротехник иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишлари, 17937 дона фермерлар сув олиш жойларини таъмирлаш, 15880 дона фермерлар сув олиш жойларини сувни бошқариш, ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

Давлат дастури доирасида «Қашқадарё вилоятида суғориш тармоқларини тизимли қайта тиклаш (1-навбат)» лойиҳаси асосида хўжалик ички лоток тармоқларини реконструкция қилиш ишлари «Қосондавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси томонидан 2014 йилдан бошлаб олиб борилаётган бўлиб, 2016 йил 1 январгача 17,0 км лоток тармоқлари қурилди. Ушбу лойиҳа доирасида яна 16,6 км лоток тармоқларини қуриш режалаштирилган.

«Қашқадарё вилоятида суғориш тармоқларини тизимли қайта тиклаш (2-навбат)» лойиҳаси асосида эса хўжалик ички лоток тармоқларини реконструкция қилиш ишлари «62-МКК» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2015 йилдан бошлаб олиб борилаётган бўлиб, 2016 йил 1 январгача 10,6 км лоток тармоқлари қурилди. Ушбу лойиҳа доирасида яна 1,8 км лоток тармоқларини қуриш режалаштирилган.

Шунингдек, Давлат дастури доирасида «Қашқадарё вилоятида суғориш тармоқларини тизимли қайта тиклаш (3-навбат)» лойиҳаси асосида 25,08 км лоток тармоқларини қуриш ишлари режалаштирилган.

Булардан ташқари, Қашқадарё вилояти Миришкор туманида Жаҳон банки Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта қуриш агентлиги томонидан "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб - қувватлаш II-босқич" лойиҳаси доирасида "Миришкор туманидаги "Помук Ҳаёт булоғи" Сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) ҳудудидаги лотокларни реконструкция қилиш" лойиҳаси бўйича 2014 йилда 3,4 км хўжалик ички лоток тармоқлари қурилган.

Ҳукуматимиз томонидан соҳага катта эътибор қаратилганлиги ва Сув истеъмолчилари уюшмаларига (СИУларга) қарашли хўжалик ички ирригация тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларига давлат томонидан миллиардлаб сўм маблағлар ажратилиб, айни пайтда кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилаётганига қарамасдан, СИУ балансидаги аксарият ирригация тармоқларининг қуриб фойдаланишга топширилганига кўп вақт

бўлгани (30-40 йил) ҳамда СИУ ва фермер хўжаликларининг уларни эксплуатация қилишдаги хўжасизларча муносабатлари туфайли уларнинг техник ҳолати талаб даражасида эмас. Бу ҳолат бизга хўжалик ички ирригация тармоқларини эксплуатация қилишда янгича ёндошув лозимлигини кўрсатмоқда.

1.1-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги мавжуд хўжалик ички суғориш тармоқлари тўғрисида маълумот

Туманлар номи	Хизмат кўрсата диган майдон и, га	Хўжалик ички суғориш тармоқлари			шу жумладан											
					ер ўзанда			бетон қопламали каналлар			лоток тармоқлари			ёпиқ тармоқ		
		Мавжуд, км	талаб этилади		Мавжуд, км	талаб этилади		Мавжуд, км	талаб этилади		Мавжуд, км	талаб этилади		Мавжуд, км	талаб этилади	
			таъм. тиклаш	реконст-рукция		таъм. тиклаш	реконст-рукция		таъм. тиклаш	реконст-рукция		таъм. тиклаш	реконст-рукция		таъм. тиклаш	реконст-рукция
Гузор	35125	1166,9	573,6	183,2	693,37	415,4	103,9	190,4	95,2	38,1	205,2	61,9	41,2	78,0	1,1	
Дехконобод	2925	40,8	15,0	0,6	6,5	4,0		11,3	3,0		21,8	7,6		1,2	0,4	0,6
Карши	50821	2224,5	1009,0	139,9	1219,6	874,8	42,8	171,2	59,6	40,3	650,0	74,6	56,8	183,8		
Камаши	34994	963,9	489,0	158,8	601,2	360,8	90,2	126,7	63,4	25,3	216,4	64,9	43,3	19,5		
Косон	74096	3334,6	1258,6	340,0	1735,1	1254,6	156,8	268,4	3,0	99,0	1280,4	1,0	69,3	50,7		14,9
Китоб	20245	1248,2	992,2	250,3	1100,2	880,0	220,0	99,2	75,0	19,0	43,3	32,0	11,0	5,5	5,2	0,3
Касби	50565	2216,8	766,0	50,6	1080,7	724,9	3,0	200,9	39,8	23,4	919,3	1,3	24,2	15,9		
Миришкор	62736	2067,9	408,1	527,2	598,22	328,4	218,8	417,5	28,2	143,4	1052,2	51,5	165,0			
Муборак	35089	881,6	322,5	259,0	193,52	96,8	77,4	268,6	120,8	112,8	419,6	104,9	68,8			
Нишон	57694	2135,7	315,1	467,3	278,5	125,0	16,0	140,16	17,3	4,4	1241,0 1	101,4	161,3	476,0	71,4	285,6
Чирокчи	30557	1380,0	1199,0	181,0	1157,45	992,6	164,8	93,0	84,7	8,3	129,6	121,7	7,9			
Шахрисабз	26162	1490,0	1187,8	302,2	1377,5	1102,0	275,5	88,2	70,5	17,6	10,2	7,7	2,6	14,1	7,6	6,5
Яккабоғ	34647	1298,6	1026,7	271,8	1101,5	881,9	220,5	130,3	103,4	25,8	47,4	35,6	11,9	19,4	5,8	13,6
Жами	515656	20449,5	9562,6	3131,9	11143,4	8041,2	1589,7	2205,7	763,9	557,4	6236,4	666,2	663,3	864,0	91,5	321,5

1.2-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги хўжалик ички суғориш тармоқларидаги гидротехник иншоотлар тўғрисида маълумот

№	Туман-лар номи	Гидротехник иншоотлар, жами			улардан:												улардан:														
					сув олувчи				тўсувчи			сув чиқарувчи			гидропостлар			акведук			дюкер			қувурли ўтиш			қўприklar			шаршара	
		жамин	талаб этилади:		сонин	талаб этилади		сонин	талаб этилади		сонин	талаб этилади:		сонин	талаб этилади:		сонин	талаб этилади		сонин	талаб этилади		сонин	талаб этилади		сонин	талаб этилади		сонин	талаб этилад	
			таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция		таъминтиклаш	реконструкция
1	Гузор	1979	1230	396	11	7	2	21	12	4	213	128	43	1186	771	237	75	41	15	78	47	16	157	86	31	238	138	48			
2	Дехканобод	97	45	18				1	1		4	2		55	25	11							25	13	5	12	4	2			
3	Карши	2863	226	274	108			46	24	14	899	38	40	1335	112	194	97	12	7	162	22	6	160	11		51	4	13	3	3	
4	Камаши	2353	1465	471	26	16	5	26	15	5	491	295	98	1364	887	273	84	46	17	47	28	9	101	56	20	214	122	43			
5	Косон	4378	475	610	190	8	25	200	22	83	1226	369	182	2271	75	247	151	1	7				302		66	38					
6	Китоб	685	24	260	1		1				128	4	39	510	20	204				4		3	1		1	41		12			
7	Касби	3425	1101	1635	198	47	64	52	19	10	1046	92	60	1681	909	1480	41	1	1	232	5	4	175	28	16						
8	Миришкор	4257	660	822	395	99	138	51		11	1856	10	23	1375	407	439	33	8	15	5	2	3	525	131	184	17	3	9			
9	Муборак	2238	659	1075	20	10	10	34	13	15	714	316	336	1181	227	591	22	9	10	85	21	29	150	54	70	32	9	14			
10	Нишон	2515	231	114	46			32	18	11	231	42	27	1653	101	39	9	5	3	436	16	5	108	49	29						
11	Чирокчи	1610	839	770	141	118	23	45	23	22	92	76	15	1092	444	648	31	17	14	16	8	8	155	128	27	23	18	5	15	7	8
12	Шахрисабз	1168	61	583	45	6	17				34	8	27	765	45	495	52		9	17		9	65		7	190	2	19			
13	Яккабоғ	946	23	209	16	2	6				52	3	20	663	13	133	51	3	12				32	2	16	132		22			
	Жами	28514	7039	7237	1197	312	291	507	147	175	6986	1383	910	15131	4036	4991	646	143	110	1082	149	92	1956	558	473	988	300	187	18	10	



1.1- расм. Қамашы тумани “Қизилқўл” СИУси Камай канали



1.2- расм. Ғузгор тумани “Апарди булоғи” СИУ си Куштепа канали




1.3- расм. Касби тумани «Чиллабулок» СИУ си Денов-Новкат канали



1.4- расм. Нишон тумани «Ширинобод зилол суви» СИУси Р-1 канали



1.5- расм. Косон тумани «Улугбек Шабнам» СИУ си Марказ канали



**1.6- расм. Шахрисабз тумани «Сайилтепа» СИУ си
Шуропсой иншооти дамбаси**

1.3-жадвал

Қашқадарё вилоятида сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари маблағлари ҳисобидан 2013-2017-йилларда амалга ошириладиган суғориш тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишларининг прогноз параметрлари

	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	2013-2017 йиллар прогноз параметрлари	шу жумладан:				
				2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
1	Суғориш тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари, жами:	Км	71 516	13 505	13 911	14 328	14 757	15 015
	<i>шу жумладан:</i>							
	ер ўзанли	Км	44 917	8 495	8 750	9 013	9 283	9 376
	бетон қопламали	Км	7 109	1 339	1 379	1 421	1 463	1 507
	лоток тармоқли	Км	19 490	3 671	3 781	3 895	4 011	4 132
2	Суғориш тармоқларидаги иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишлари, жами: <i>шу жумладан:</i>	дона	43337	8163	8407	8660	8920	9187
	дюкер	дона	2 132	402	414	426	439	452
	Акведук	дона	2 373	447	460	474	489	503
	Гидропост	дона	21 688	4 085	4 207	4 334	4 464	4 598
	қувурли ўтиш	дона	5 224	985	1 014	1 044	1 075	1 106
	бошқалар	дона	11 919	2 244	2 312	2 382	2 453	2 527
3	Насос агрегатларини таъмирлаш ишлари, жами:	дона	1 021	202	205	203	213	198
4	Сув олиш жойларини таъмирлаш ва сувни бошқариш, ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш ишлари, жами:	дона	33817	6226	6671	6757	7015	7148
	<i>шу жумладан:</i>							
	таъмирлаш	дона	17 937	3 235	3 590	3 584	3 747	3 781
	жиҳозлаш	дона	15 880	2 991	3 081	3 173	3 268	3 367

2. ТЕХНИК-ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИСМ

2.1.Хўжалик ички ирригация тармоқларини эксплуатация қилиш тизими

Вилоятимизда Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Оқсув, Яккабоғ-Ғузор, Қарши магистрал канали, Миришкор ирригация тизими бошқармалари ҳамда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Эскианҳор ирригация тизими бошқармалари сувни сув манбасидан олиб туманлараро ва хўжаликлараро ирригация тармоқлари орқали Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) балансидаги хўжалик ички ички ирригация тармоқларига етказиб беради. Ўз навбатида Сув истеъмолчилари уюшмалари ҳам сувни истеъмол қилиш бўйича тузилган шартномалар асосида сув истеъмолчиларига сувни етказиб беради.

Сув истеъмолчилари уюшмалари нодавлат-нотижорат ташкилот бўлиб, Қашқадарё вилоятида 191 та хўжаликлар ҳудудида 151 та сув истеъмолчилари уюшмалари вилоят адлия бошқармасидан қайта юридик рўйхатдан ўтиб, вилоятдаги хўжалик ички суғориш тармоқларини эксплуатация қилиб келмоқдалар. Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУлар) ҳисобида 20449,5 км хўжалик ички суғориш тармоқлари, шундан 6236,4 км лоток, 864,0 км металл қувур тармоқлари, 13403 дона гидроиншоотлар, 9269 дона гидropостлар, 933 дона насос-агрегатлари, 11333,0 км коллектор дренаж тармоқлари, шундан 4522,0 км очик коллектор ва 6811,0 км ёпик дренаж тармоқлари мавжуд.

Қашқадарё вилоятида хўжалик ички суғориш тармоқларини эксплуатация қилиш структурасининг (2.1-расм) таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Сув истеъмолчилари уюшмаларининг нодавлат-нотижорат ташкилот эканлиги сабабли, вилоятда сув хўжалиги тизимида ягона давлат сиёсатини олиб борувчи Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва унга қарашли ирригация тизимлари бошқармаларига бўйсунмаслиги туфайли СИУларнинг фаолиятини назорат қилиб бўлмаслиги, туманлар ҳокимликларидаги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида эса СИУлар фаолиятига масъул атиги 1 нафар сув хўжалиги мутахассиси фаолият кўрсатиши, СИУнинг Олий органи ҳисобланадиган СИУ аъзолари умумий йиғилиши эса (2.2-расм) сув истеъмолчиларининг ҳуқуқий маданияти тўлиқ шаклланмагани ва одамларнинг жамоат ташкилотларини жамоавий бошқаришдаги тажрибасизлиги туфайли тўлақонли ва қониқарли фаолият кўрсатмаётганлигидан хўжалик ички ирригация тармоқларини эксплуатация қилиш тизимида ва СИУлар фаолиятида бир қатор камчиликлар мавжуд.

Шуларни инобатга олиб, ҳозирда ҳавза ва ирригация тизими бошқармаларида “Сув истеъмолчилари уюшмаси мутахассиси” лавозими жорий этилган бўлиб унинг қисқача вазифавий мажбуриятлари қуйидагича:

- Юқори ташкилотлар, раҳбарият томонидан бериладиган кўрсатма, топширик, ҳужжат, хат ва аризаларни ўз вақтида сифатли тарзда ижросини таъминлаш;

- Сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий хўжалик фаолияти бўйича мониторинг маълумотларини тайёрлайди, вазирлик ва юқори ташкилотларга бериб бориш;


- Туман ҳокимлари ва прокуратурага СИУлар фаолиятини яхшилаш бўйича хат тайёрлаш;

- Туманларда булиб, СИУлар фаолияти бўйича жойда амалга оширилаётган ишларни ўрганиб, тегишли кўрсатмаларни бериш;

- СИУларга пахта ва ғалла кредитидан маблағ ажратилиши бўйича Вилоят Марказий банки, вилоят тижорат банклари билан иш олиб бориш;

- СИУ ларнинг молиявий фаолияти бўйича маълумотларни вазирлик ва юқори ташкилотларга бериб бориш.

Қашқадарё вилоятида хўжалик ички сугориш тармоқларини эксплуатация қилиш структураси




2.1-расм. Қашқадарё вилоятида хўжалик ички сугориш тармоқларини эксплуатация қилиш структураси

СИУ аъзолари умумий йиғилиши СИУнинг Олий органи ҳисобланади. Уюшманинг Умумий йиғилиши йилига икки маротаба чақирилади. Умумий йиғилиш қарори кучга кириши учун аъзоларнинг камида 3/2 қисми иштирок этиши шарт ва бунда ҳар бир аъзо бир овозга эга.

СИУ аъзолари умумий йиғилиши қуйидаги ваколатларга эга:

- Уюшма Кенгаши аъзоларини ва Уюшма раисини, Тафтиш комиссияси аъзоларини ва раисини сайлаш ва вазифасидан озод этиш, уларнинг вазифаларини ҳамда таъсис шартномасини тасдиқлаш;
- Ижроия органини ташкил қилиш ва муддатдан олдин унинг фаолиятини тугатиш, бошлиғини тасдиқлаш ҳамда у билан шартнома шартларини келишиш;
- Ижроия органи фаолиятининг асосий йўналишларини ва таркибини белгилаш, унинг штат бирлиги, смета харажатлари, жорий ва истикбол режаларини тасдиқлаш ва бажарилишини муҳокама қилиш;
- Ижроия органи бошлиғига Уюшма номидан сув истеъмолчилари билан шартномалар тузиш, ходимларни ишга олиш, молиявий ва бошқа фаолият олиб бориши ҳамда Уюшманинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ваколатларни бериш;
- Уюшма Таъсис шартномаси ва Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- Уюшманинг йиллик умумий, шу жумладан ички сув хўжалиги объектларидан, мелиоратив техника ва бошқа мулкдан фойдаланиш ҳамда уларни ривожлантириш сарф-харажатлар сметаси, жорий ва ривожлантириш бадаллар миқдори ва фаолият кўрсатиш тарифларини тасдиқлаш;
- Уюшма фаолиятини амалга ошириш учун сув истеъмолчиларнинг Уюшма ҳисоб рақамига ўтказиб берадиган бадаллар миқдори, сув истеъмолчилари, Уюшмага аъзо бўлган ва аъзо бўлмаган сув истеъмолчиларининг тўлов маблағларини ҳамда уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш;
- агар ушбу бадаллар икки ва ундан ортиқ йил мобайнида сурункали равишда тўланмаса, бундай ҳолда сув истеъмолчисини Уюшма аъзолигидан чиқариш;
- Уюшмага янги аъзоларни қабул қилиш ва ундан чиқариш масалаларини ҳал этиш;
- Аудиторлик текширувини белгилаш, аудиторни тасдиқлаш ва у билан хизмат ҳақини белгилаш;
- Уюшма аъзоларнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ва хорижий банкларда айланма маблағларга эгалик қилиш, юридик шахслардан кредитлар, шужумладан, хорижий валютада кредитлар олиш масаласини ҳал этиш;
- Уюшмани қайта ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- СИУ аъзолари умумий йиғилиши қонунга зид бўлмаган бошқа ваколатларга ҳам эга.



2.2-расм. Сув истеъмолчилари уюшмасининг бошқарув структураси

Уюшманинг Тафтиш комиссияси қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

- Уюшманинг молиявий ва хўжалик фаолиятларини назорат қилади ҳамда ҳар чорак якуни билан ўрганиб бориб, унинг якуни бўйича хулоса ва таклифларни Уюшма Кенгашига-Уюшма раисига зарур чоралар кўриш учун такдим этиш. Уюшма раиси сўрови билан Уюшма ҳамда унинг Ижроия органи фаолияти даврида вужудга келган айрим муаммоларни таҳлил қилиш ва хулоса бериш;
- Уюшма фаолиятида жиддий молиявий камчиликлар аниқланса, комиссия кенгашдан навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақиртиришни талаб этиш ҳуқуқига эга.
- Уюшма фаолияти тўғрисида аъзоларнинг Умумий йиғилишида ахборот бериш;

Ижроия органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- Уюшманинг кундалик фаолияти билан боғлиқ барча масалаларга раҳбарлик қилиш ва бажарилишини таъминлаш;
- Уюшма Умумий йиғилиши ва Кенгаши қарорларини бажарилишини ташкил қилиш;
- Уюшманинг Таъсис шартномаси ва Низомини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш, муҳр ва тамғаларини олиш, банкларда ҳисоб рақамларини очишни таъминлаш;
- Сув истеъмолчиларни сув билан таъминлаш ва ички сув хўжалиги объектларидан ҳамда мелиоратив техникалардан фойдаланиш бўйича харажатлар сметалари, бадаллар миқдорлари, айрим фаолиятлар бўйича тарифлар миқдорини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Уюшма Умумий Йиғилишида тасдиқлатиш;
- Уюшма номидан шартномаларни тузиш ва бажарилишини таъминлаш;
- Уюшма Умумий Йиғилиши қарори билан берилган таъсисчилар ва бошқалар мулкани далолатнома асосида қабул қилиш;
- Уюшма мулки ва маблағларини мақсадли ишлатиш ва асраш;
- Ижроия органи фаолияти тўғрисида Кенгашга ва тегишли ташкилот ва идораларга ўрнатилган тартибда маълумотлар ва ҳисоботлар бериб бориш;

Ижроия органига юқори малакали ва тажрибали шахслар ичидан альтернатив асосда Уюшманинг Умумий Йиғилишида бир йилга сайланадиган ва Уюшма раисининг буйруғи билан тайинланадиган SIU rahbari раҳбарлик қилади. У билан Уюшма раиси ўртасида шартнома тузилади.

Ижроия органи бошлиғи Уюшма томонидан юклатилган вазифаларни бажарилишига масъулдир. Ижроия орган амалга оширилган ишлари ҳақида Умумий йиғилишда ҳамда Кенгаш мажлисида ҳисобот бериб боради. Уюшма аъзоларининг йиғилиши бир йилда камида икки марта чақирилади.

Уюшманинг Кенгаш аъзолари ва раиси ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолари ва раиси йил якуни билан Уюшма умумий йиғилишида қайта сайланади.

2.2. Хўжалик ички тармоқларини эксплуатация қилишдаги ташкилий иқтисодий масалалар

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида асосан 2000-2005 йиллар оралиғида босқичма босқич собиқ ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Уларга сув хизматини кўрсатишни ташкил қилиш мақсадида дастлаб сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилган эди. Ушбу уюшмаларнинг аксарияти тадбиркорлик субъекти сифатида баъзилари тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан олиш инспекциясидан, баъзилари туман статистика бўлимидан рўйхатдан ўтган бўлиб, битта собиқ хўжалик ҳудудида бир нечтагача сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолият кўрсатишар эди.

Ушбу уюшмаларга ирригация хизмати бадаллари тўлайдиган фермер хўжаликлари сонининг камлиги ҳамда уюшмаларнинг тадбиркорлик субъекти сифатида солиқ тўлаганликлари туфайли уларнинг молиявий аҳволи ва моддий-техник базаси талабга жавоб бермас эди. Натижада улар томонидан кўрсатиладиган сув хизматининг сифати пасайиб, йилдан-йилга сув тақчиллиги ортиб бораётган шароитда мавжуд сув ресурсларини самарали ва оқилона бошқариш, ундан тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини ўз вақтида сифатли суғорилишини ташкил этиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25-декабрдаги «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги № ЎРҚ-240 қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг янги таҳрири қабул қилиниши уюшмалар фаолиятида жуда катта ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди.

Янги таҳрирдаги қонун ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги мавжуд Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУлар) Сув истеъмолчилари уюшмалари сифатида қайта ташкил қилинди. Қонуннинг 18²-моддаси талаблари асосида Сув истеъмолчилари уюшмалари асосан гидрография принципига ёки сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган бошқа шартларга мувофиқ ташкил этилди. Бошқача қилиб айтганда, битта хўжаликлараро суғориш тармоғидан сув оладиган 2...3 та собиқ СФУлар ўрнига гидрография принципи асосида ягона СИУ қайта ташкил қилинди. Қашқадарё вилоятидаги фаолият кўрсатиб келган 176 та СФУлар ўрнида 151 та СИУлар нодавлат-нотижорат ташкилот сифатида адлия бошқармаси рўйхатидан ўтди. Натижада СИУлар мол-мулк

солиғи, ер солиғи, қўшимча қиймат солиғи, юридик шахслардан даромад солиғи каби жами 8 хил солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан озод бўлдилар.

Бу эса ўз навбатида уюшмаларнинг молиявий ҳолатининг яхшиланишига ижобий туртки бўлди. Бундан ташқари, битта хўжаликлараро суғориш тармоғидан сув олувчи сув истеъмолчилари гуруҳлари (собик хўжаликлар) орасида бўлиб турадиган сув тақсимотидаги муаммоларга барҳам берилди.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори ижроси доирасида Давлат дастурига киритилган СИУларга қарашли хўжалик ички суғориш тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларига давлат томонидан миллиардлаб сўм маблағлар ажратилиб, айни пайтда кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунга қарамай, СИУларнинг мулкка бўлган муносабати шаклланмаганлиги сабабли уларнинг нодавлат-нотижорат ташкилот сифатидаги фаолияти ҳам хўжалик ички суғориш тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотларнинг техник ишончлилиги ва созлигини сақлаш ҳамда самарали эксплуатация қилишдаги муаммоларни тўлалилигича ҳал қилмаётганлиги сув хўжалиги тизимининг энг муҳим қуйи бўғини бўлган СИУлар фаолиятини янада яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

СИУлар фаолиятида айни пайтда қуйидаги асосий камчиликлар мавжуд.

1. СИУлар балансида собик ширкат хўжаликлари ҳудудидаги қарашли хўжалик ички суғориш ва зовур тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотларнинг кўпи яроқсиз аҳволга келиб қолган. СИУлар томонидан уларни қайта тиклаш учун молиявий маблағнинг ва техник воситаларнинг етишмаслиги ушбу ташкилотлар фаолияти самарасининг кескин пасайишига олиб келмоқда

2. Бу эса ўз навбатида сув истеъмолчиларининг СИУларга ишончининг пасайишига, СИУга кўрсатилган ирригация хизмати учун тўловларни тўлиқ ёки умуман амалга оширмаслиги, кўп ҳолларда инкор қилиш каби салбий ҳолатларга ҳам олиб келмоқда.

3. Сув истеъмолида сув истеъмолчиларининг сувнинг исрофига бефарқлиги ва ундан тежаб-тергаб фойдаланишдан манфаатдор эмаслиги

Ирригация хизмати бадали СИУга барча сув истеъмолчиларига сувни етказиб бериш ҳамда уюшма ҳудудидаги суғориш ва зовур тармоқларини бошқариш ва ишчи ҳолатда сақлаш учун СИУга тўланадиган маблағ бўлиб, СИУ бюджетини ташкил қилувчи асосий даромад манбаи ҳисобланади.

Ирригация хизмати бадалидан тушган маблағ қуйидагиларга сарфланади

1. Суғориш ва зовур тармоқларини жорий таъмирлаш
2. Алоқа воситаларини ишлатиш харажатлари
3. Транспорт, мелиоратив техникалар ва насосларни ишлатиш учун ёқилғи мойлаш материаллари
4. Транспорт воситаларини таъмирлаш
5. Сув ўлчаш воситаларини ўрнатиш ва таъмирлаш
6. СИУ ишчи ходимларининг маошлари ва улардан олинаётган солиқлар
7. Идора учун канцелярия буюмлари харажатлари ва бошқалар

Қуйида биз сизга намуна сифатида Миришкор тумани Автономов СИУсининг 2015 йил учун харажатлар режасини ҳавола қиламиз.

2.1-жадвал

Миришкор тумани Автономов СИУсининг 2015 йил учун харажатлар жадвали (бизнес режа бўйича)

№№	Харажатларнинг йўналиши	Ўлчов бирлиги	Жами даромад суммаси	шу жумладан:			
				I- чорак	II- чорак	III- чорак	IV- чорак
1	Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди	минг сўм	53 006	13 251	13 251	13 251	13 251
2	Ягона ижтимоий тўлов (25%)	минг сўм	13 251	3 313	3 313	3 313	3 313
3	Идоравий харажатлар	минг сўм	6 634	1 658	1 658	1 658	1 658
4	Сув тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш харажатлари	минг сўм	8 600	2 150	2 150	2 150	2 150
5	Бошқа харажатлар	минг сўм	583	146	146	146	146
6	Асосий воситалар амортизацияси (янги техникасиз)	минг сўм	14 076	3 519	3 519	3 519	3 519

7	Захира фонди	МИНГ сўм	4 807	1 202	1 202	1 202	1 202
	Жами:	МИНГ сўм	100 957	25 239	25 239	25 239	25 239



2.3-расм. Миришкор туманидаги Автономов СИУсининг 2015 йил учун харажатлар режаси диаграммаси


Юқоридаги диаграммадан ҳам кўриниб турибдики, мазкур СИУ бизнес режасида атиги 8.6 млн. сўм ёки 8 фоизи суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлашга ажратилиши режалаштирилган. Биз томонимиздан олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Қашқадарё вилоятидаги СИУлар бизнес режаларида кўпи билан 15 фоиз маблағ суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлашга ажратилиши режалаштирилган. Аммо, 2015 йилнинг 31 декабрь ҳолатига бўлган маълумотга кўра 2015 йил ҳисобидан ирригация хизмати бадали учун мазкур СИУга сув истеъмолчилари томонидан атиги 25,3 млн.сўм тўлаб берилган ҳолос.

Энди эса биз Сизнинг эътиборингизга охирги 4 йил мобайнида Қашқадарё вилоятидаги СИУлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳавола қиламиз.

2.2-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги СИУлар фаолияти тўғрисида маълумот

№	Туманлар номи	2012 йилда			2013 йилда			2014 йилда			2015 йилда		
		СИУлар бизнес режа қиймати, млн.сўм	кўрсатилган хизмат, млн.сўм	ундирилган маблағ, млн. сўм	СИУлар бизнес режа қиймати, млн.сўм	кўрсатилган хизмат, млн.сўм	ундирилган маблағ, млн. сўм	СИУлар бизнес режа қиймати, млн.сўм	кўрсатилган хизмат, млн.сўм	ундирилган маблағ, млн. сўм	СИУлар бизнес режа қиймати, млн.сўм	кўрсатилган хизмат, млн.сўм	ундирилган маблағ, млн. сўм
1	Ғузор	570,3	398,7	122,9	392,3	236,0	96,2	364,6	291,67	108,7	373,6	280,20	121,9
2	Қарши	507,7	487,4	275,8	551,0	525,0	192,5	546,0	249,99	187,6	646,6	484,95	392,8
3	Қамаши	416,3	264,4	95,8	436,7	262,0	99,9	429,6	343,68	161,4	557,4	418,05	112,2
4	Косон	855,1	690,0	251,2	856,0	844,0	252,3	871,0	518,81	316,0	871,2	653,40	371,1
5	Китоб	189,0	163,5	53,4	186,0	165,0	52,6	266,0	243,70	90,4	294,5	220,88	112,8
6	Касби	889,1	638,4	289,5	859,9	815,0	257,1	860,0	480,46	328,6	420,8	315,60	278,4
7	Миришкор	772,0	596,4	226,7	871,2	653,0	256,0	1355,4	532,48	276,9	1260,5	945,38	331,8
8	Муборак	296,9	211,4	104,5	297,0	227,0	121,6	343,8	300,01	99,0	290,9	218,18	116,1
9	Нишон	420,6	395,0	290,3	526,0	502,0	187,2	461,0	396,27	170,0	666,9	500,18	363,8
10	Чирокчи	508,4	435,6	332,6	507,0	415,0	99,2	539,6	369,92	205,5	512,4	384,32	124,7
11	Шахрисабз	235,6	227,8	123,8	272,0	239,0	95,5	256,8	235,30	111,2	266,5	199,88	114,7
12	Яккабоғ	375,9	328,4	174,9	417,0	327,0	132,2	423,2	378,30	235,0	485,2	363,9	252,5
	ЖАМИ:	6036,8	4837,0	2341,4	6172,0	5210	1842	6717,0	4340,6	2290,5	6671,5	5003,6	2897,3




2.4-расм. 2012-2015-йилларда Қашқадарё вилоятидаги Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолияти диаграммаси

Юқоридаги диаграмма таҳлилидан кўриниб турибдики, вилоят бўйича олиб қараганда ҳам, маълум бир СИУ кесимида олиб қараганда ҳам ҳар йили тузилган бизнес режа қийматиинг ярмидан ҳам кам миқдордаги ирригация хизмати бадали маблағлари сув истеъмолчилари томонидан СИУларга тўлаб берилган ва афсуски, ушбу салбий тенденция давом этмоқда. Натижада, Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан бизнес режасида ҳаттоки кам миқдорда режалаштирилган суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш ишлари ҳам бажарилмасдан қолмоқда. Бу эса нафақат хўжалик ички суғориш тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича Давлат дастурида режалаштирилган ишларнинг бажарилмасдан қолишига, балки давлатимиз томонидан миллиардлаб сўм маблағларни сарфланиб насос станциялари орқали чиқариб берилаётган таннархи қиммат суғориш сувининг суғориш тармоқлари орқали кўп миқдордаги исрофига олиб келмоқда.

СИУлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар

1. Айтайлик, СИУга қарашли қуйидаги келтирилган чизиқли схемада кўрсатилган Х-1 каналдан 2-тартибли Х-1-1, Х-1-2, Х-1-3, Х-1-4, Х-1-5, Х-1-6, Х-1-7 суғориш тармоқлари орқали 45 та фермер хўжалиги сув олади. Маълумки, йил бошида СИУ бюджетини аниқлаш, унинг тўлиқ фаолият юрита олиши учун шу йил ҳисобидан унга фермер хўжаликлари гектар ҳисобига қанчадан тўлов тўлашларини, ушбу йиғилган маблағ ҳисобидан қанча қисми СИУга қарашли хўжалик ички каналлари ва улардаги гидротехник иншоотларни таъмирлашга ажратилиши лозимлиги бўйича ягона бир хулосага келиниб, СИУнинг йиллик бизнес режасини тасдиқланиши лозим. Аммо, ушбу 45 та фермер хўжаликларининг тарқоқлиги, бир жойга йиғиш қийинлиги, умумий йиғилишда ягона бир фикрга келиш қийинлиги сабабли, сув истеъмолчиларининг умумий йиғилиши СИУларнинг олий бошқарув органи сифатида қониқарли ишламаяпти. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун, бизнинг фикримизча ҳар бир иккинчи тартибли каналдан сув оладиган сув истеъмолчилари гуруҳлари ўзларининг манфаатларини умумий йиғилишда ифода эта оладиган биттадан ишончли вакил сайлашлари лозим. СИУнинг олий бошқарув органи эса ушбу ишончли вакиллар йиғилиши бўлиши лозим ва бунда ишончли вакиллар ўзларининг 2-тартибли каналларидан суғориладиган майдонларга мос келадиган (тўғри пропорционал) овозга эга бўлишлари лозим.



2.5-Расм. СИУга қарашли хўжалик ички тармоқлари схемаси

Маълумки, СИУга кўрсатилган сув хизмати учун тўловларни тўлашда СИУлар бизнес режасида фақатгина экин турларига қараб фермер хўжаликлари ҳар бир гектар ҳисобига турлича маблағ тўлашлари режалаштирилмоқда. Мисол учун 1-расмда кўрсатилган X-1-7 суғориш тармоғидан сув оладиган “Обод” фермер хўжалиги ҳам, X-1-1 суғориш тармоғидан сув оладиган “Саодат” фермер хўжалиги ҳам бир гектар ғалла майдони ҳисобига СИУга сув хизмати учун бир ҳил тўлов тўламоқдалар. Бизнингча, сув манбасидан X-1-7 суғориш тармоғигача сувни олиб келишни таъминлаш учун СИУ ходимларининг меҳнати, шунингдек хўжалик ички тармоқларини техник ҳолатини соз ҳолатда сақлаб туриш учун сарфланадиган маблағ X-1-1 суғориш тармоғиникига нисбатан турлича эканлигини СИУга кўрсатилган сув хизмати учун тўловларни тўлашда инобатга олиш лозим. Яъни, СИУларни бошқаришда ҳам унга кўрсатилган сув хизматларини тўлашни режалаштиришда ҳам суғориш тармоғида фермер хўжаликларининг жойлашуви ва майдонига қараб турлича ёндошув лозим. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фермерларга бириктирилган суғориш тармоқлари тўғрисидаги маълумотлар асосида СИУнинг тармоққа техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш тадбирларини ўтказиш учун бюджет тузишга асос бўлади. Шунинг учун юқоридаги фикрларимизни СИУ бизнес режасини тузишда инобатга олиш лозим.

2. Вилоятдаги барча СИУларда фермерлар ўртасида сувни тақсимлаш ва бошқариш учун сув олиш қулоқлари тўлиқ жиҳозланмаган. Бу ҳолат сувни адолатли тақсимлаш имконини бермайди. Шунинг учун барча СИУларни сувни тақсимлаш ва бошқариш жиҳозларини қайта инвентаризациядан ўтказиб чиқиш ҳамда ўтказилган инвентаризация яқунлари асосида СИУ ва

фермер хўжаликларини сув олиш қулоқларини оддий сувни бошқариш ва ўлчаш иншоотлари билан тўлиқ жихозлаш лозим.

3. Вилоятдаги 151 та СИУдан 111 таси тўловларсиз ижарада туради (Ѓузор туманида-12 та, Қарши туманида-9 та, Дехқонобод туманида-1 та, Косон туманида-21 та, Қамашини туманида-8 та, Китоб туманида-2 та, Касби туманида-11 та, Нишон туманида-19 та, Чирокчи туманида-9 та, Шахрисабз туманида-8 та, Яккабоғ туманида-11 та), шунингдек 12 таси фаолият юритиши учун иш жойи билан таъминланмаган (Қарши туманида-2 та, Касби туманида-1 та, Чирокчи туманида-4 та, Шахрисабз туманида-2 та, Яккабоғ туманида-3 та), 49 тасида СИУ аъзолари учун йиғилишлар ўтказишга шароит йўқ.

СИУнинг олий бошқарув органи умумий йиғилиш қарори эканлигини ҳисобга олиб, бинога эга бўлмаган ва ижарада турган 123 та СИУларни бино билан таъминлаш бўйича:

- СИУ ҳудудидаги бўш турган биноларни ўрганиб чиқиб, СИУга ўтказиладиган бинолар бўйича туман ҳокимликлари қарорини тайёрлаш ва барча СИУлар биноларини кадастр ҳужжатларини тайёрлаш лозим.

4. СИУларда собиқ ширкат хўжаликлари тугатилиши даврида берилган ва бугунги кунда яроқсиз ҳолга келиб қолган техника ва транспорт воситалари билан фаолият юритаётганлиги ёки мутлақо техникаларни йўқлиги муаммосини ҳал қилиш учун имтиёзли кредит ва лизинг орқали кичик ҳажмдаги янги транспорт, мелиоратив техникалар ва керакли жихозлар билан таъминлаш. Аммо лизингга янги транспорт ва мелиоратив техникалари берувчи компаниялар СИУларнинг ўз вақтида кредит тўловларини қайтара олишларига ишонч ҳосил қилишлари учун авваломбор СИУларнинг молиявий ҳолатини яхшиланиши талаб қилинади.

5. Вилоятдаги барча СИУларда пахта-ғалла етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит ресурслари меъёр бўйича уларнинг ҳисоб рақамларига тўлиқ ўтказиб берилмаган бўлиб пахта-ғалла етиштиришга бериладиган имтиёзли кредитдан СИУ хизматларига ажратилган ресурсларни тўлиқ СИУ ларга берилишини ташкиллаштириш ва белгиланган меъёр асосида ажратилган маблағларни СИУлар ҳисоб рақамларига ўтказилишини таъминлаш лозим.

6. Ҳозирги вақтда Қамашини туманидаги Қоратепа канали 16 км, ЧИМ-1, ЧИМ-2 канали 1,7 км, Чирокчи туманидаги Шўрбозор канали 16,5 км, ЧИЯЛ-2 канали 18 км, Касби туманидаги “Қорақўнғирот” канали 7,6 км, шу тумандаги Қамашини канали 10,2 км, Яккабоғ туманидаги “Беш қўтон” канали 12,5 км, Косон тумани “Пистали” канали 4,1 км СИУлар балансида қолиб кетганлиги аниқланди. Бундан ташқари 3 м³/сек дан ортиқ сув ўтказиш қобилятига эга бўлган каналлар СИУлар томонидан эксплуатация

қилининши натижасида СИУ ларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир этмоқда, шу билан бирга СИУ лар ҳисобида мелиортив техникалар мавжуд эмаслиги натижасида каналларнинг техник ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун СИУлар балансида қолиб кетган қайд этилган каналларни ва 3 м³/сек.дан ортиқ сув ўтказиш қобилиятига эга бўлган каналларни СИУларнинг балансидан олиб ирригация тизими бошқармалари ҳисобига яъни Давлат тасарруфига ўтказилса СИУларнинг молиявий аҳволига салбий таъсири камаяди ҳамда каналларнинг техник ҳолати яхшиланади

7. СИУлар йиллик бизнес режасига ирригация хизмати учун ундириладиган тўловларни белгилашда майдонга асосланган тарифдан воз кечиб, унинг ўрнига **сув истеъмолчисига берилган ҳақиқий сув ҳажмига асосланган** тўлов тарифига ўтиш лозим. Аммо бунинг учун авваломбор бериладиган сув миқдорини ўлчашнинг замонавий асбоб ускуналари билан таъминлаш лозим. Агар ушбу таклиф амалга оширилса, сув истеъмолчиларининг сувни тежаб ишлатишлари йўлга қўйилган бўлар эди.

2.3. Хўжалик ички суғориш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш

Хўжалик ички суғориш тармоқларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тадбирлари уларни ишчи ҳолатда сақлаб туриш учун зарур бўладиган омиллар нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Ушбу тадбирларнинг асосий мақсади

- суғориш тармоқлари 40 йилдан ортиқ муддатга фойдаланиш учун лойиҳаштирилган ва мўлжалланган бўлиб, таъмирлаш ва тиклаш, гидротехник иншоотларнинг эскирган қисмларини алмаштириш орқали бутун тармоқнинг хизмат қилиш муддатини узайтириш мумкин бўлади.
- сув беришдаги узилишларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Шунинг учун, техник хизмат кўрсатиш тадбирларини режалаштириш ишларининг аҳамияти катта. Режалаштириш, тармоқдан фойдаланиш жараёнида талаб этилиши мумкин бўлган ишларни бажариш, капитал ва жорий таъмирлаш, хизмат кўрсатишлар ўтказишларини ўз ичига олиши лозим. Бундан ташқари тармоқдаги иншоотларнинг фавқулодда ишдан чиқиши ва бузилишларини бартараф этишга тайёр бўлиши учун фавқулодда тиклаш ишларини ҳам режалаштириш зарур.

Тармоққа техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тадбирларини ўтказиш режаси хўжалик ички тармоқларини текшириш натижаларига кўра тармоқни таъмирлашнинг энг муҳим тадбирларини белгилашга асосланади. Бунинг учун қуйидаги амаллар бажарилади:

- хўжалик ички суғориш тармоғининг техник ҳолатини мунтазам назорат қилиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш лозим бўлган барча иншоотлар, механизмларнинг рўйхати тузилади;
- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашдаги зарур ишларнинг ҳажми жорий ва асосий (капитал) таъмирлашга ажратилган ҳолда белгиланади;
- таъмирлаш ишлари ва техник хизмат кўрсатишини амалга ошириш учун механизмлар ва ишчи кучига эҳтиёжлар аниқланади;
- харажатлар сметаси ва устуворлиги ҳисобга олинган ҳолда таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш жадвали тузилади.

Барча суғориш каналларидаги иншоотлар ва механизмлар вақт ўтиши билан эскиради. Шунинг учун тармоқ эскиргани сари иншоотларнинг

эҳтимолий хавфли ҳолатини аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда нормал ишини таъминлаш учун доимо текшириб боориш лозим.

Иншоотлардан сув оқиб кетиши, бетонда дарз-ёриқлар пайдо бўлиши, кўтармалар ва каналлар ён бағирларининг ювилиб кетиши ёки чўкишлари аниқланганда зудлик билан таъмирланмаса, бу катта фавқулодда ишдан чиқиш ва бузилишларга олиб келиши мумкин.

Тармоқдан фойдаланишда юзага келадиган кўпчилик муаммолар биринчи аниқланганда жиддий бўлмаслиги мумкин, лекин дарҳол бартараф этилмаса ҳалокатли бузилишларга ва ката зиёнга сабаб бўлади.

СИУда ҳўжалик ички суғориш тармоғини назорат қилиш асосан тўлиқ ўказилади.

Тармоқнинг қуйидаги иншоотлар ҳолати текширилади (ҳар бир муайян тармоқ учун бу рўйхат кенгайтирилиши мумкин):

- каналлар ва уларнинг ён бағирларининг ҳолати;
- чўкинди чўкиш ҳажмлари ҳамда каналларнинг бегона ўтлар босиши;
- қувурлар ва лотокли суғориш тармоғидан сувни оқиб кетиши мавжудлиги;
- бетон, темир-бетон иншоотлари, уларнинг қисмлари, темир конструкциялар ва уларнинг қисмларининг ҳолати;
- сув ўлчаш иншоотлари ва қурилмаларининг ҳолати;
- суғориш каналлари тармоқлари бўйлаб текширув-назорат ёълларининг ҳолати;
- иншоотлар, механизмларнинг ишончлиги, носозликлар ва бузилишларнинг турлари ҳамда муаммоларни келтириб чиқарувчи сабаблар текширилади.

Хўжалик ички суғориш тармоғига техник хизмат кўрсатиш ва уни ишчи ҳолатда сақлаш ишларининг тахминий рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- каналлар, кўтармалар туби, ён бағирлари, назорат йўллари ва йўл бўйи ариқларининг кўтармалари ён бағирларини бегона ўтлар ва ўсимликлардан тозалаш;
- каналларни чўкиндилардан ва ахлатдан тозалаш;
- каналлар ён бағирларида, бетон иншоотларнинг ёнида ер ювилиб кетиши жойларини бекитиш ҳамда шикастланган иншоотлар ва уларнинг қисмларини таъмирлаш;
- йўллар остидаги қувурларни, кўприкларнинг таянчлари атрофини ва иншоотларнинг затворлари ёнини чўкиндилардан тозалаш;

- каналларда ҳар қандай ўзбошимча тўсиқлар ва тўғонларни, ўтиш жойларини, чархпалакларни, шунингдек СИУ раҳбариятининг рухсатсиз барпо этилган бошқа иншоотлар қурилишини олдини олиш;
- кўтармалар ва каналларнинг ён бағирларида бетон, темир бетон иншоотларида нураш (сувнинг вақти-вақти билан музлаши ва эриши) оқибатидаги кичик дарз-ёриқларни бекитиш;
- каналлар ва лотокларнинг бетон қопламасидаги кичик дарз-ёриқларни цемент аралашмаси билан таъмирлаш;
- лоток тармоқларидаги лотоклар туташган қисмлардаги тирқишларни битум эритмаси ва бошқа герметик материаллар билан бекитиш;

СИУ ишчи-ходимлари сув истеъмолчиларининг суғориш тармоғидан фойдаланиш қоидаларининг ҳар қандай бузилишларининг олдини олишлари лозим, масалан:

- каналдан рухсатсиз сув олиш;
- сувни исроф қилиш;
- ифлосланган оқова сувларини шунингдек чиққиндиларни суғориш тармоғига ташлаш
- каналларда ўзбошимчалик билан кўприклар ва бошқа шунга ўхшаш қувурли ўтиш жойларини қуриш;
- каналлар ёнидаги назорат йўллари, каналларнинг муҳофаза ва минтақа зоналарини ўзлаштириш, ҳайдаш ва бинолар ёки бошқа иншоотлар қуриш;
- каналларда сув олиш учун рухсатсиз тўсиқларни барпо этиш;
- суғориш сувини зовурга ташлаш

Хўжалик ички суғориш тармоғини ишчи ҳолатда сақлашнинг асосий замини бу мунтазам текширишларнинг ўтказилишидир. Бундай тартиб кўп ҳолларда қўлланилишига қарамасдан суғориш тармоғини ишчи ҳолатда сақлаб туриш учун жорий таъмирлашдир. Суғориш каналлари игдротехник иншоотлари айниқса уларининг механик ва электр механизмларини текшириш, кейинчалик тармоқдан фойдаланишда катта муаммоларнинг олдини олишга имкон беради. Таъмирлаш ишларида бажариладиган ер ишларида катта ҳажмдаги ишларни механизмлардан фойдаланиб амалга ошириш қўл меҳнатига қараганда унумлироқ бўлади. Механизмлардан ёки қўл меҳнатидан фойдаланиш вариантларидан бирини танлаш бу ишчи кучининг қиймати ва мавжудлигига, шунингдек бажариладиган иш ҳажмига қараб белгиланади.

Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун керак бўладиган асбоб-ускуналарнинг таркиби ҳар бир муайян СИУ учун ички имкониятларидан

келиб чиқиб белгиланади. Асбоб-ускуналар асосан белкурак, аравача, болға, арра, домкрат ва шунга ўхшаш кабилардан иборат бўлади. Бу асбоб-ускуналарнинг барчаси ашёвий рўйхатга киритилиши, омборда сақланиши ҳамда зарурият туғилганда таъмирловчиларга берилиши керак. Асбоб ускуналарни ишчи ҳолатда сақлаш учун уни ишлатадиган СИУнинг жавобгар ходимларига бириктириш лозим.

Тармоқдаги гидротехник иншоотлар затворларининг ҳаракатланувчи қисмлари ва кўтариш механизмлари ҳамиша ишончли ишлашини таъминлаш учун улар мунтазам мойланади ва вақти-вақти билан текшириб турилади. Затворларни вақти-вақти билан кўриб чиқиш ҳамда ишчи механизмларни синашни ушбу механизмнинг мақсадини биладиган муҳандис ёки техник ўтказиши лозим. Ахлат тутиб қолувчи панжаралар ахлат ва чўкиндилардан тозаланиши лозим. Барча металл қисмлар зангламаслиги учун бўялиши лозим. Барча механик механизмлар уни ишлаб чикувчи корхонанинг йўриқномасига мувофиқ мойланиши ва текширилиш лозим.


Хўжалик ички суғориш тармоқларини лойқадан тозалаш бу СИУ дуч келадиган доимий муаммодир. Айниқса вилоятимизнинг Амударёдан сув оладиган туманларидаги суғориш каналларини лойқадан тозалаш бу доимий эҳтиёж бўлиб ҳисобланади. Катта каналлардаги лойқани эксковаторлар ёрдамида тозалаш, кичик каналлардаги лойқа-чўкиндиларни тозалаш асосан кўл кучи ёрдамида тозалаш амалга оширилиши мумкин. Кейинчалик каналдан қазиб чиқарилган грунтлар грейдер билан текисланиши ва каналдан четга сурилиши мумкин. Канални тозалаш усули қандай бўлишидан қатъи-назар канал ён деворларининг қиялиги ва канал туби нишаблиги лойиҳадагидек қолдирилиши лозим. Чунки, канал ён девори қиялиги камайса канал ён бағирлари ўпирилиши туфайли канал яна лойқадан тўлиб қолади. Агар канал нишаблиги лойиҳадаги қийматдан камайса каналда лойқа босиши жараёни кузатилиши, канал нишаблиги жуда ортиб кетса канал ўзанининг ювилиши жараёни кузатилиши мумкин.

Бундан ташқари, суғориш каналларида сувнинг бемалол ҳаракатланиши каналлар ён бағирларида бегона ўтларга қарши курашнинг самарали усулини ишлаб чиқишни талаб этади. Бегона ўтлар каналларда суғориш суви ҳаракатига тўсқинлик қилиб, оқим тезлигини пасайтиради ҳамда каналда лойқа чўкиши учун қулай шароит юзага келади. Вилоятимиз туманларидаги кичик суғориш каналларидаги бегона ўтларни тозалаш ишлари асосан сув истеъмолчиларининг ёрдамида ҳашар йўли билан амалга оширилади.

Суғориш каналларидан фойдаланишда сув йўқотишларининг олдини олиш, сув истеъмолчиларига суғориш сувини кафолатли етказиб берилишини таъминлашда суғориш тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотлар доим ишчи ҳолатда бўлиши, бунинг учун эса СИУнинг техник хизмат кўрсатиш ходимлари ва барча сув истеъмолчилари ички тармоқдан фойдаланиш қоидаларининг ҳар қандай бузилишини кузатиб аниқлаш ва олдини олиш учун баҳамжиҳат ишлашлари, бунинг учун СИУ ходимлари сув истеъмолчиларига

сув истеъмоли тартиб-қоидаларини ўргата оладиган ва тармоққа сифатли техник хизмат кўрсата оладиган даражада юқори малакага эга бўлишлари лозим.

Афсуски, айти пайтда вилоятдаги 47 та СИУларда соҳага алоқадор мутахассис кадрлар етишмайди, 37 та СИУ да раҳбар лавозимларида сув хўжалиги бўйича маълумотга эга бўлмаган бошқа соҳа мутахассисларининг фаолият юритмоқда, 47 та СИУларда штат бирлигида кўрсатилган кадрлар етишмайди, СИУ ходимлари соҳа бўйича етарли билим ва малакага эга эмас. Барча СИУлар томонидан сув хўжалиги хизмати кўрсатиладиган майдонга ва олинадиган сувга нисбатан кадрлар қўйиш, 400-500 гектарга бир нафардан мироб бўлишини таъминлаш ва олий ўқув юрти ва таянч коллежларининг малака ошириш курсларида тизимли равишда СИУ ходимларини малакасини ошириб бориш лозим. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24-февралдаги 39-сон қарорига биноан барча сув хўжалиги ташкилотлари ишчи-ходимлари шу жумладан сув истеъмолчилари уюшмалари ишчи-ходимлари ҳам марказлаштирилган ҳолда Қарши агробизнес ва Шаҳрисабз қишлоқ хўжалиги коллежларида ташкил қилинган малака ошириш курсларида таҳсил олишди. Шунга қарамай, хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, СИУ раҳбар ходимларини соҳани тушунадиган тажрибали мутахассислар билан тўлдирмас эканмиз, минг-минглаб километр хўжалик ички ирригация тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотларни эксплуатация қилишдаги салбий ҳолатлардан (инсон факторидан) қутула олмаймиз.



2.6-расм. Гидротехник иншоот техник ҳолатини назорат қилиш (кузатиш) схемаси

2.4. Хўжалик ички суғориш тармоқларида сувни бошқариш ва миқдорини аниқлаш

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида”ги қонунининг 35-моддасида СИУлар сувни олиш ва беришда сув миқдори ҳисобини юритиши, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоботни тақдим этишлари шартлиги, 35¹- моддасида эса Сув истеъмолчилари сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, олинаётган сув миқдори ҳисобини юритиши ва зарур ахборотни тақдим этиши шартлиги белгилаб берилган.

Сувни ўлчашдан мақсад, авваломбор қонун талаблари, шунингдек сув истеъмолчиларига бериладиган сув ҳажмини аниқ билиш, унинг ҳисоб-китобини юритиш, сувни тежаш, сув истеъмоли самарадорлигини ошириш ва албатта СИУлар томонидан сув истеъмолчиларига етказиб бериладиган **сув миқдори** ҳисобига ирригация хизматиға пул тўлашни жорий қилишдан иборат.

Аммо афсуски, вилоятдаги асосий сув истеъмолчилари ҳисобланадиган фермер хўжаликлари сув олиш жойларининг аксарият қисмини таъмирлаш-тиклаш ва сувни бошқариш, ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш талаб қилинади.

2.3-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги фермер хўжаликлари сув олиш жойлари (кулоқлари) тўғрисида маълумот

№	Туманлар номи	Фермерлар сув олиш жойлари (кулоқлари)		
		Умумий сони	Талаб этилади:	
			таъмирлаш-тиклаш	сувни бошқариш, ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш
1	Гузор	402	192	274
2	Дехконобод	30	5	7
3	Карши	1218	175	250
4	Камаш	644	190	272
5	Косон	1918	1006	140
6	Китоб	300	68	97
7	Касби	1471	206	294
8	Миришкор	2037	593	396
9	Муборак	918	190	127
10	Нишон	426	213	64
11	Чирокчи	841	343	101
12	Шахрисабз	371	79	113
13	Яккабоғ	493	82	117
	Жами	11069	3342	2252

Бундай қониқарсиз ҳолатнинг қуйидаги асосий сабаблари мавжуд:

1. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг қониқарсиз фаолияти;
2. Сув истеъмолчиларининг бериладиган сув миқдорини ўлчаб олишдан манфаатдор эмаслиги;
3. Сув ўлчаш иншоотларини қуриш ва эксплуатация қилишни тушунадиган малакали мутахассисларнинг камлиги;
4. Сув ўлчаш иншоотларининг қуриш осон, арзон ҳамда эксплуатация қилишга барча учун тушунарли ва оммабоп турини тарғиб қилиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг сустлиги.

.Хўжалик ички суғориш тармоқларида сув сарфини ўлчаш усуллари қуйидаги қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин

1. Ўзан кесимида сув сарфини аниқлаш усули.
2. Гидротехник иншоотларни тарировка қилиш усули (гидрометрик рейка).
3. Сув сарфларини автоматик равишда ўлчайдиган махсус гидрометрик иншоотлар.

Сув сарфларини автоматик равишда ўлчайдиган махсус гидрометрик иншоотларига сув ўлчаш остоналари (САНИИРИ), лотоклар (Вентуре-Поршал), юпка деворли водосливлар (Водосливлар, Чиполетти, Иванов, Томсон, САНИИРИ) кўрсатиш мумкин.

ТИМИ қошидаги ИСМИТИ тавсияларига кўра сув сарфи $1,0 \text{ м}^3/\text{сек}$ гача бўлган суғориш тармоқларида гидropостлар (сув ўлчаш постлари) ни қуриш учун уларнинг турини қуйидаги жадвалдан танлаш мумкин

2.3-жадвал

Гидropостлар турини танлаш

Нишаблик ва сув оқимининг ҳаракат режими	Сув таркиби	Максимал сарф	
		0,5 $\text{м}^3/\text{сек}$ гача	0,5-1,0 $\text{м}^3/\text{сек}$ гача
Катта ва ўрта нишабликлар, оқим ҳаракати барқарор	Муаллақ лойқа зарралари миқдори $1 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача	ТВ, ЧВ, ССЎН, МЎ ЧВ	ССЎН, МЎ
	Лойқа миқдори $1 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан кўп, сувда сузгичлар бор	ССЎН, МЎ	ССЎН, МЎ
Ўрта ва кичик нишабликлар, оқим	Муаллақ лойқа зарралари миқдори $1 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача	МЎ	МЎ

ҳаракати нобарқарор	Лойқа миқдори 1 кг/м ³ дан кўп, сувда сузгичлар бор	МЎ	МЎ
------------------------	--	----	----

Шартли белгилар: ТВ- Томсон водосливи, ЧВ – Чипполетти водосливи, ССЎН – САНИИРИ сув ўлчаш нови, МЎ- мустаҳкамланган ўзан.

Сув истеъмолчилари уюшмаларига қуйидаги гидропостлар тури тавсия қилинади:

- Чипполетти водосливи;
- САНИИРИ сув ўлчаш нови;
- мустаҳкамланган ўзан;
- даражаланган параболик лоток.

Гидропостларни қуриш жойини танлаш учун қуйидагиларга тавсияларга амал қилиш лозим:

- суғориш тармоғи қисми тўғри чизиқли бўлиши, геометрик жиҳатдан тўғри кўндаланг кесимга эга бўлиши лозим;
- каналнинг тўғри чизиқли қисми каналнинг юқори томони кенглигининг олти баробаридан кам бўлмаслиги лозим;
- канал туби ва қирғоғи мустаҳкам бўлиши лозим.

Гидропостларни барпо этиш учун қуйидаги тайёргарлик ва қуриш ишлари амалга оширилади:

- канал участкасининг гидропост қуриладиган створини танлаш ва у жойини ўсимликлардан тозалаш;
- сув ўлчаш иншооти заминини тайёрлаш;
- сув ўлчаш қурилмаси (ЧВ, ССЎН кабилар)ни канал ўқи бўйлаб ўрнатиш;
- сув ўлчаш қурилмасининг тўғри ўрнатилганини текшириш;
- каналнинг келувчи ва кетувчи қисмига бетон қопламаси ўрнатиш.

Чипполетти водосливининг қуйидаги афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Афзалликлари:


- ўлчаш аниқлиги юқори (очиқ каналлардаги сув ўлчаш воситалари ичида энг юқориси);
- қурилма оддий ва ундан фойдаланиш осон;
- ўрнатилган жойда даражалашни талаб қилмайди ва хоказо.

Камчиликлари:

- кам нишабли каналларга қўлаб бўлмайди;
- юқори бьефда катта димланиш хосил қилади ва хоказо.



2.8-расм. Чиполетти водосливи.



2.9-расм. Чиполетти водосливи схемаси

Чиполетти водосливининг сув сарфи ифодаси куйидагича:

$$Q = 1,86 \cdot b \cdot H^{3/2}$$


бу ерда b - водослив туби кенглиги;

H - водосливдан ўтаётган сув оқими чуқурлиги.

Баъзи сув истеъмолчиларига бериладиган сув сарфлари стандарт параболик лоток тармоқлари орқали амалга ошириладиган бўлса ёки гидропост сифатида стандарт параболик лоток ишлатиладиган бўлса унда ушбу лоток орқали оқиб ўтадиган сув оқимини вертушка ёрдамида ўлчаб трафарет билан даражаланади.



2.10-расм. Даражаланган параболик лоток.



2.11-расм. Даражаланган параболик лоток схемаси

Даражаланган параболик лоток сув сарфини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Q = M \cdot H^2;$$

бу ерда $M = 2,768 \cdot \sqrt{P}$,

$P = 0,2$ (ЛР- 40;60;80) учун; $P = 0,35$ (ЛР-100) учун.

САНИИРИ сув ўлчаш новининг қуйидаги афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Афзалликлари:



- юқори бьефда нисбатан кам димланиш хосил қилади;
- иншоотнинг сув ўтиш қисмида тезлик ортади ва у кам лойқаланади;
- ўлчаш аниқлиги нисбатан юқори;
- ўрнатилган жойда даражалашни талаб қилмайди ва хоказо.

Камчиликлари:

- кам нишабли каналларга қўллаб бўлмайди;
- димланиш хосил бўлганда сув сарфи жадвалига ўзгартириш киритиш керак ва хоказо.



2.12-расм. САНИИРИ сув ўлчаш нови
Бо'ylama қирқим



2.13-расм. САНИИРИ сув ўлчаш нови бўйлама қирқими ва плани

Мустаҳкамланган ўзан туридаги гидростатик қуйидаги афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Афзалликлари:


- қурилма оддий;
- сув оқимиға ҳеч қандай тўсиқ ҳосил қилмайди ва ҳоказо.

Камчиликлари:

- сув сарфи чизиғи ва жадвалини тузиш учун индивидуал даражалашни талаб қилади;
- сув оқими ўзгарувчан димланишли бўлганда қўллаб бўлмайди;
- ўлчаш хатолиғи катта (очиқ каналлардаги сув ўлчаш воситалари ичида энг каттаси);
- ундан фойдаланиш мураккаб ва ҳоказо.



2.14-расм. Мустаҳкамланган ўзан



2.15-расм. Мустаҳкамланган ўзан кўндаланг кесими схемаси

Мустаҳкамланган ўзаннинг қуйидаги афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Афзалликлари:

- қурилма оддий;
- сув оқимиға ҳеч қандай тўсиқ ҳосил қилмайди ва хоказо.

Камчиликлари:

- сув сарфи чизиғи ва жадвалини тузиш учун индивидуал даражалашни талаб қилади;

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб ҳамда 2.3-жадвалга асосланиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, канал (арик)нинг ҳар қандай нишаблигида ва сув оқимининг ҳар қандай режимида мустаҳкамланган ўзан кўринишидаги гидропостни қуриш мумкинлигидан фойдаланиб, фермерлар сув олиш жойларига ўрнатиладиган гидропост турини бир хиллаштириш (унификациялаш) мумкин. Барча сув истеъмолчиларига бир хил турдаги (мустаҳкамланган ўзан кўринишидаги) гидропостни қуриш ва уни эксплуатация қилишни ўргатиш осонлиги ва гидропост турининг бир хиллиги сув тақсимотидаги низоларни бартараф этиш имконини беради.

Шуни ҳисобга олиб, эътиборингизга фермерлар сув олиш жойлари учун трапецеидаль шаклдаги мустаҳкамланган ўзан кўринишидаги гидропостнинг гидравлик ҳисоби ва конструкцияси намунасини ҳавола этамиз.

Берилган: Сув сарфи $Q = 0,15 \text{ m}^3 / \text{сек}$, грунт тури қумоқ эканлигидан ҚМҚга кўра $m = 1,5$, нишаблик $i = 0,0008$, арик туби кенглиги $b = 0,4 \text{ метр}$, ғадир-будурлик коэффиценти $n = 0,02$. Олинаётган сувнинг фракцион таркиби қуйидагича


Намуна	Барча фракциялар (мм), %		
	0.005-0,01	0.01-0,2	0.2-0,275
1	47,0	41,0	12

Ечиш: Ариқдаги оқим чуқурлиги h га қиймат бериб танлов усулида ҳисобларни жадвал усулида бажариб, мустаҳкамланган ўзан нормал чуқурлигини қийматини $Q = f(h)$ боғлиқлик графигидан аниқлаймиз.

2.4-жадвал

Трапецеидал шаклдаги мустаҳкамланган ўзан гидравлик ҳисоби

T/P	h	b	m	ω	χ	R	$R^{1/6}$	C	φ	Q
1.	0,05	0,4	1,5	0,02	0,58	0,04	0,58	29	0,17	0,004
2.	0,1			0,06	0,76	0,07	0,64	32	0,24	0,013
3.	0,15			0,09	0,94	0,10	0,68	34	0,30	0,028
4.	0,2			0,14	1,12	0,12	0,7	35	0,35	0,049
5.	0,25			0,19	1,30	0,15	0,73	36,5	0,40	0,077
6.	0,3			0,26	1,48	0,17	0,74	37	0,43	0,111
7.	0,35			0,32	1,66	0,19	0,75	37,5	0,47	0,152
8.	0,4			0,40	1,84	0,22	0,77	38,5	0,51	0,203



Юқоридаги $Q = f(h)$ боғлиқлик графигидан трапецеидал шаклдаги мустаҳкамланган ўзан туридаги гидропостда $Q = 0,15 \text{ м}^3 / \text{сек}$ uchun нормал

чуқурлик $h_n \approx 0,35 \text{ metr}$ эканлигини аниқлаймиз. Конструктив захирани $a = 0,15$ метр қабул қиламиз ва ўзан чуқурлигини аниқлаймиз.

$$H_q = h_n + a = 0,35 + 0,15 = 0,5 \text{ metr}.$$

Ўзандаги минимал сув сарфи ва ундаги оқим тезлигини аниқлаймиз.

$$Q_{\min} = 0,4 * 0,15 = 0,06 \text{ m}^3 / \text{sek}$$

$Q = f(h)$ боғлиқлик графигидан $h_{\min} = 0,22$ эканлигидан

$$\omega_{\min} = (0,4 + 1,5 * 0,22) * 0,22 = 0,16 \text{ m}^2,$$

$$g_{\min} = \frac{Q_{\min}}{\omega_{\min}} = \frac{0,06}{0,16} = 0,37 \text{ m} / \text{sek}.$$

Энди ушбу аниқланган минимал сув тезлигини $g_{\min}$ рухсат этилган лойқа босмайдиган тезлик $g_{r.e.l.b}$ билан солиштириб кўрамиз.

ҚМҚ 2.06.03-97 га кўра диаметри $d = 0,005$ бўлган заррачалар учун гидравлик йириклик $w_{0,05} = 0,0173$. диаметри $d = 0,01$ бўлган заррачалар учун гидравлик йириклик $w_{0,01} = 0,069$. диаметри $d = 0,2$ бўлган заррачалар учун гидравлик йириклик $w_{0,2} = 21,6$, диаметри $d = 0,275$ бўлган заррачалар учун гидравлик йириклик $w_{0,275} = 29,9$.

Ҳар бир фракция учун ўртача гидравлик йириклик

$$W_{\text{frak1}} = \frac{W_{0,01} + 3 * W_{0,05}}{4} = \frac{0,069 + 3 * 0,0173}{4} = 0,0302 \text{ мм/сек},$$

$$W_{\text{frak2}} = \frac{W_{0,02} + 3 * W_{0,01}}{4} = \frac{21,6 + 3 * 0,069}{4} = 5,45 \text{ мм/сек},$$

$$W_{\text{frak3}} = \frac{W_{0,275} + 3 * W_{0,02}}{4} = \frac{29,9 + 3 * 21,6}{4} = 23,6 \text{ мм/сек}.$$

Лойқа заррачаларининг ўртача гидравлик йириклиги

$$W = \frac{\sum W_{\text{frak}i} * p_i}{100} = \frac{0,0302 * 47 + 5,45 * 41 + 23,6 * 12}{100} = 5,08 \text{ мм/сек}.$$

$W > 3,5 \text{ mm} / \text{sek}$ эканлигидан

$g_{r.e.l.b} = A * Q^{0,2}$ формуладаги (ҚМҚ 2.06.03-97)

$$A = 0,55$$

Шундай қилиб, $g_{r.e.l.b} = A * Q^{0,2} = 0,55 * 0,15^{0,2} = 0,38 \text{ м} / \text{с}.$

$g_{\min} \geq g_{r.e.l.b}$ шарт қаноатлантирилди.

Мустаҳкамланган ўзан кўринишидаги гидропост конструкцияси

Мустаҳкамланган ўзаннинг бетонланган қисми узунлиги ён томондан сиқилиш бўлмаганда $L_f \geq (5...10)h$ формуладан аниқланади.

$L_f = 10 * 0,35 = 3,5$ метр, сув ўлчаш кўпригини эса $L_{ko.p.} = (0,4..0,5)L_f$ ёки $L_{ko.p.} = 1,8\text{metr}$ масофада қабул қиламиз. Сув ўлчаш рейкасини сув ўлчаш кўпригидан $l_r = (0,2...1,0)b = 0,4\text{metr}$ масофа олдинга жойлаштирамиз. Гидропост ўлчамлари жуда кичик бўлганлиги сабабли кузатув қудуғи қабул қилмаймиз. Мустаҳкамланган ўзан туби ариқ тубидан $p = (0,05...0,2)h$ ёки $p = 0,05\text{m}$ баландроқ қабул қиламиз. Шунингдек 0,02 метр қалинликдаги бетон қоплама остида 0,01 метр қалинликда шағал қатлами ётқизилади.

Албатта, сув истеъмолчилари учун олинаётган сув сарфини **аниқ** ўлчаб олишдан манфаатдорлик механизми йўлга қўйилганидан сўнг, сув истеъмолчилари учун янада аниқ, сув ўлчаш меҳнати талаб қилинмайдиган ва замонавий, сувни масофадан туриб бошқариш ва ўлчаш иншоотларига талаб пайдо бўлади. Бунда биз хорижий давлатлар тажрибасини ўрганишимиз ҳамда сув ўлчаш иншоотларининг иқтисодий жиҳатдан арзон ва сифатли турларини мамлакатимизда жорий қилишни тарғиб қилишимиз зарур.

Бунга мисол қилиб, Австралиянинг Rubicon компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган Network Control тизимини мисол қилишимиз мумкин. Унинг таркибига FlumeGates ростловчи иншоотлар затворлари орқали ўтаётган сарф ва сув сатҳи тўғрисидаги маълумотларни узатиш радиокоммуникация тизими, SCADAConnect масофавий бошқариш ва телеметрия тизими ва NeuroFlo каналлар тармоғи назорати дастурий таъминоти киради.



2.17-расм. Rubicon компаниясининг Network Control тизими

ХУЛОСА

1. Хўжалик ички суғориш тармоқларини эксплуатация қилувчи нодавлат-нотижорат- ташкилотлар СИУларни бошқаришда ҳам унга кўрсатилган сув хизматларини тўлашни режалаштиришда ҳам суғориш тармоғида фермер хўжаликларининг фермерларга бириктирилган суғориш тармоқлари тўғрисидаги маълумотлар ва майдони катта-кичиклигига қараб турлича ёндошув лозим.

2. СИУнинг олий бошқарув органи умумий йиғилиш қарори эканлигини ҳисобга олиб, бинога эга бўлмаган ва ижарада турган вилоятдаги 123 та СИУларни бино билан таъминлаш бўйича:

- СИУ ҳудудидаги бўш турган биноларни ўрганиб чиқиб, СИУга ўтказиладиган бинолар бўйича туман ҳокимликлари қарорини тайёрлаш;

- барча СИУлар биноларини кадастр ҳужжатларини тайёрлаш лозим.

3. Вилоятдаги барча СИУларда фермерлар ўртасида сувни тақсимлаш ва бошқариш учун сув олиш қулоқлари тўлиқ жихозланмаган. Бу ҳолат сувни адолатли тақсимлаш имконини бермайди. Шунинг учун барча СИУларни сувни тақсимлаш ва бошқариш жихозларини қайта инвентаризациядан ўтказиб чиқиш ҳамда ўтказилган инвентаризация якунлари асосида СИУ ва фермер хўжаликларини сув олиш қулоқларини оддий сувни бошқариш ва ўлчаш иншоотлари билан тўлиқ жихозлаш лозим.

4. СИУларда собиқ ширкат хўжаликлари тугатилиши даврида берилган ва бугунги кунда яроқсиз ҳолга келиб қолган техника ва транспорт воситалари билан фаолият юритаётганлиги ёки мутлақо техникаларни йўқлиги муаммосини ҳал қилиш учун имтиёзли кредит ва лизинг орқали кичик ҳажмдаги янги транспорт, мелиоратив техникалар ва керакли жихозлар билан таъминлаш лозим.

5. Вилоятдаги СИУларда соҳага алоқадор мутахассис кадрлар етишмайди, шунинг учун барча СИУлар томонидан сув хўжалиги хизмати кўрсатиладиган майдонга ва олинадиган сувга нисбатан кадрлар қўйиш, 400-500 гектарга бир нафардан мироб бўлишини таъминлаш ва олий ўқув юрти ва таянч коллежларининг малака ошириш курсларида тизимли равишда СИУ ходимларини малакасини ошириб бориш лозим.

6. Вилоятдаги пахта-ғалла етиштиришга бериладиган имтиёзли кредитдан СИУ хизматларига ажратилган ресурсларни тўлиқ СИУ ларга берилишини ташкиллаштириш ва белгиланган меъёр асосида ажратилган маблағларни СИУлар ҳисоб рақамларига ўтказилишини таъминлаш лозим.

7. Ҳозирги вақтда Қамашни туманидаги Қоратепа канали 16 км, ЧИМ-1, ЧИМ-2 канали 1,7 км, Чироқчи туманидаги Шўрбозор канали 16,5 км, ЧИЯЛ-2 канали 18 км, Касби туманидаги “Қорақўнғирот” канали 7,6 км, шу тумандаги Қамашни канали 10,2 км, Яккабоғ туманидаги “Беш қўтон” канали

12,5 км, Косон тумани “Пистали” канали 4,1 км СИУлар балансида қолиб кетганлиги аниқланди. Бундан ташқари 3 м³/сек дан ортиқ сув ўтказиш қобилиятига эга бўлган каналлар СИУлар томонидан эксплуатация қилининши натижасида СИУ ларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир этмоқда, шу билан бирга СИУ лар ҳисобида мелиоратив техникалар мавжуд эмаслиги натижасида каналларнинг техник ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун СИУлар балансида қолиб кетган қайд этилган каналларни ва 3 м³/сек.дан ортиқ сув ўтказиш қобилиятига эга бўлган каналларни СИУларнинг балансидан олиб ирригация тизими бошқармалари ҳисобига яъни Давлат тасарруфига ўтказилса СИУларнинг молиявий аҳволига салбий таъсири камаяди ҳамда каналларнинг техник ҳолати яхшиланади.

8. СИУлар йиллик бизнес режасига ирригация хизмати учун ундириладиган тўловларни белгилашда майдонга асосланган тарифдан воз кечиб, унинг ўрнига сув истеъмолчисига берилган ҳақиқий сув ҳажмига асосланган тўлов тарифига ўтиш лозим.

9. Гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклашда атроф-муҳитни ҳимояловчи экологик чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш лозим.

11. Хўжалик ички суғориш тармоғига техник хизмат кўрсатиш ва уни ишчи ҳолатда сақлаш ишларини мунтазам амалга ошириб бориш лозим.

10. Ҳар бир сув истеъмолчилари уюшмаларида камида 1 нафар сув ўлчаш иншоотларини қуриш ва эксплуатация қилишни тушунадиган малакали мутахассислар бўлишини таъминлаш лозим.

11. Каналнинг ҳар қандай нишаблигида ва сув оқимининг ҳар қандай режимида мустаҳкамланган ўзан кўринишидаги гидростни қуриш мумкинлиги сабабли шу турдаги гидростни фермерлар сув олиш жойларини жиҳозлашда фойдаланиш тавсия қилинади.

АДАБИЁТЛАР

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimizni 2015 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2016 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasi majlisidagi ma‘ruzasi, <http://uza.uz/>

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2013 yil 19 apreldagi “2013 - 2017 yillar davrida sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yanada yaxshilash va suv resurslaridan oqilona foydalanish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-1958-sonli qarori, <http://lex.uz/>

3. “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Yerlarning meliorativ holatini yaxshilash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» 2007 yil 29 oktabrdagi PF-3932-sonli Farmoniga qo‘shimcha va o‘zgartishlar kiritish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2013 yil 19 apreldagi PF-4533-sonli Farmoni, <http://lex.uz/>

4. O‘zbekiston Respublikasining 2009 yil 25 dekabrda “Qishloq va suv xo‘jaligida iqtisodiy islohotlar chuqurlashtirilganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘RQ-240-son Qonuni bilan o‘zgartirishlar kiritilgan O‘zbekiston Respublikasining 1993 yil 6 maydagi «Suv va suvdan foydalanish to‘g‘risida»gi Qonuni, <http://lex.uz/>

5. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 14.06.2013 yil 14 iyundagi “Suvdan maxsus foydalanish yoki suvni maxsus iste‘mol qilish uchun ruxsatnoma berish tartibi to‘g‘risida Nizomni tasdiqlash haqida”gi 171-son qarori, <http://lex.uz/>

6. O‘zbekiston Respublikasining 1999 yil 20 avgustdagi “Gidrotexnika inshootlarining xavfsizligi to‘g‘risida”gi Qonuni, <http://lex.uz/>

7. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999 yil 16 noyabr 499-sonli “Gidrotexnika inshootlarining xavfsizligi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi qarori, <http://lex.uz/>

8. Bakiev M.R., Majidov U. Y., Nosirov B. SH., Xo‘jaqulov R.T., Rahmatov M.I., Gidrotexnika inshootlari. 1 – jild. -T.: Yangi asr avlodi, 2008.

9. Bakiev M.R., Majidov U. Y., Nosirov B. SH., Xo‘jaqulov R.T., Rahmatov M.I., Gidrotexnika inshootlari. 2 – jild. -T.: Iqtisod-moliya, 2009.

10. Bakiev M.R., Majidov U. Y., Nosirov B. SH., Xo‘jaqulov R.T., Saidov I.E., Gidrotexnika inshootlarini loyihalash. –T.: Fan va texnologiya, 2013.

11. Гидротехнические сооружения. Под ред. Н. П. Розанова. -М.: Агропромиздат, 1985.

12. Справочник проектировщика. Гидротехнические сооружения. Под ред. В. П. Недриги. –М.: Стройиздат, 1983.
13. Курсовое и дипломное проектирование по гидротехническим сооружениям. Под. ред. В.С. Лапшенкова, -М.: Агропромиздат, 1989.
14. Bakiev M. R., Kaveshnikov A. T., Tursunov T. N., Gidrotexnika inshootlaridan foydalanish. – T.: 2011.
15. Кавешников Н. Г, Эксплуатация и ремонт гидротехнических сооружений. -М.: Агропромиздат, 1989.
16. Хамадов И. Б., Батурин М. В. Эксплуационная гидрометрия в ирригации. -М.: Колос, 1975.
17. ҚМҚ 2.06.01-97. Гидротехника иншоотлари. Лойихалаштиришнинг асосий низомлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. -Т.: 1997.
18. ҚМҚ 2.06.08-97. Гидротехника иншоотлари. -Т.: 1998.
19. ҚМҚ 3.07.01.-96. Дарё гидротехника иншоотлари. -Т.: 1996.
20. Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Қашқадарё вилоятидаги хўжалик ички суғориш тармоқларини эксплуатация қилиш ҳолати бўйича маълумотлари